O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 24 YANVAR ◆ PAYSHANBA ◆ №11 (26.870)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 январь куни Оқсаройда Тошкент ва Ўрта Осиё епархия бошқармаси раҳбари архиепископ Владимирни қабул қилди.

Рус православ черкови мамлакатимиздаги энг кенг тарқалган диний конфессиялардан бирининг вакилларини бирлаштиради. Юртимизда православ насронийлар сон жиҳатдан мусулмонлардан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни мамлакатимизда барча динларнинг қонун асосида эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса бошқа динлар қатори православ динининг ҳам жамиятда ўз мавқеини янада мустаҳкамлашида муҳим омил бўляпти.

Айни пайтда мамлакатимизда православларнинг ўнлаб черковлари, эркак ва аёллар монастири, диний билим юрти фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг мамлакатимизда миллатлараро якдиллик ва турли динларга эътиқод қилувчи кишилар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги ўрни инобатга олиниб, Вазирлар Маҳкамасининг «Муқаддас Успенский собори ҳузурида Диний-маъмурий марказ тузиш ва 1996 йил ноябрда Епархиянинг 125 йиллигини ўтказиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган эди. Шу асосда 1996 йили Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексий II иштирокида Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги тантанали нишонланди.

Оқсаройдаги учрашувда Ислом Каримов епархиянинг бугунги фаолияти, амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган ишлари билан қизиқди.

Архиепископ Владимир давлатимиз раҳбарига динлараро ҳамкорликни ривожлантириш, жамиятдаги осойишталикни таъминлаш, барча динларга бир хил ижобий муносабат учун миннатдорлик изҳор этди ва Президентимизга ўзининг кўп йиллик меҳнати самараси, тўрт жилдлик «Слова в дни памяти особо чтимых святых» («Энг азиз авлиёлар хотираси кунлари ҳақида сўз») китобини тақдим этди.

■ **(ЎзА)**

✧✧✧

**Суратда:** қабул пайти

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## 2002 ЙИЛ 27 январь —
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Қадрли ватандошлар!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига биноан 27 январь — якшанба куни мамлакатимизда қуйидаги икки масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказилади:

Биринчи масала: Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Иккинчи масала: Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Референдумга қўйиладиган иккала савол ҳам битта овоз бериш бюллетенига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркин бўлиб, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Овоз бериш муддати соат олтида бошланади ва соат йигирмада тугайди.

Овоз бериш биносига келгач, фуқаро участка комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан сўнг унга овоз бериш бюллетени берилади.

Бирор бир сабаб билан фамилияси рўйхатга кирмай қолган фуқаролар шахсини ҳамда турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан овоз берувчи фуқаролар рўйхати иловасига киритилади.

Бюллетенни олгач, фуқаро яширин овоз бериш хонасига киради.

Бюллетенда уни тўлдиришнинг тартиби тўғрисида тушунтириш ёзиб қўйилган. Фуқаро референдумга киритилган масалани маъқулласа, бюллетендаги таъриф матнини ўчирмайди, аксинча қарши овоз берадиган бўлса, таъриф матнини ўчиради.

Шундан сўнг фуқаро овоз бериш хонасидан чиқиб, бюллетенни овоз бериш қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган овоз бериш бюллетени фуқаронинг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин.

Овоз бериш куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган фуқаро ўз турар жойидаги референдум ўтказувчи участка комиссиясидан ҳисобдан чиқиш гувоҳномасини талаб қилиб олиши мумкин, бу гувоҳнома уни референдум ўтказувчи бошқа ҳар қандай участкада овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритишлари учун асос бўлади.

Референдум тўғрисидаги Қонунда бюллетенни мустақил равишда тўлдиролмайдиган, касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериладиган бинога келолмайдиган фуқароларнинг ҳам овоз беришда иштирок этишини таъминлаш чоралари белгилаб қўйилган. Фуқаролар референдумда қатнашиши билан боғлиқ шу сингари ҳамда бошқа масалалар бўйича турар жойлардаги участка комиссияларига мурожаат этишлари мумкин.

Муҳтарам юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси референдуми фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита ифода этиши воситаси бўлиб, ҳар биримиздан юксак масъулият билан ёндашишни талаб этади. Референдумда фаол қатнашиб, ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни адо этайлик.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси**

## ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

***Тошкент шаҳар референдум округи бўйича 1 миллион 241 минг 555 фуқаро рўйхатга олинди. Шулардан 16 минг 865 пойтахтлик ёш йигит-қизлар илк бор референдумда иштирок этишади.***

✧✧✧

Суратларда: Тошкент шаҳар референдум округидан лавҳалар.








■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШ
БЮЛЛЕТЕНИ
БЮЛЛЕТЕНЬ
ДЛЯ ГОЛОСОВАНИЯ
НА РЕФЕРЕНДУМЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

676

2002 йил 27январь — 27января 2002 года

ТОШКЕНТ ШАҲАР РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГИ

1. Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?

Согласны ли Вы с избранием в следующем созыве двухпалатного парламента Республики Узбекистан?

2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?

Согласны ли Вы с изменением конституционного срока полномочий Президента Республики Узбекистан с пятилетнего на семилетний?

***Ёқлаб овоз берилганда саволнинг матни ўчирилмайди.***
***Қарши овоз берилганда саволнинг матни ўчирилади.***

***При голосовании "за" текст вопроса не зачеркивается.***
***При голововании "против" текст вопроса зачеркивается.***

***Изоҳ:*** ***Тошкент шаҳар референдум округи бюллетени намуна сифатида берилмоқда.***

## ТАРАДДУД

Умумхалқ референдумига икки кун қолди. Фарғона вилоятида ҳам бу тадбирга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Чунки референдум кун тартибига қўйилган масалалар юртимизнинг, фуқароларимизнинг эртанги кунига бевосита дахлдордир. Шуни айтиш керакки, референдум участкаларида бўлиб, бу ерга ташриф буюраётган фуқаролар билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, улар бу масалаларни атрофлича ўрганиб, референдумга муайян ҳозирлик билан келаётганига ишонч ҳосил қиласиз. Бу масалада, айниқса, ёшларнинг фаоллиги мени хушнуд этди. Улар парламентаризм тарихини, икки палатали тизимнинг ўзига хос афзал жиҳатларини жаҳондаги илғор, демократик давлатлар тажрибалари мисолида ўрганишган. Айтиш керакки, профессионал парламент демократик тараққиётимизда янги босқичга йўл очади.

Аксарият фуқароларимиз Президентнинг конституциявий ваколат муддатини ўзгартириш масаласини референдум кун тартибига қўйилган биринчи масала билан узвий боғлиқ равишда талқин этишмоқда.

Вилоятимизда фаолият юритаётган 811 та референдум участкалари доимо гавжум. Бу участкалар референдумга доир плакатлар, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, бошқа қимматли ҳужжатлар билан таъминланган. Шу билан бирга участкаларга келиш имконига эга бўлмаган ногиронлар, беморлар овоз беришлари учун махсус ҳозирлик кўрилган. Жойларда референдум кун тартибига қўйилган масалалар бўйича кўпдан-кўп мулоқотлар ва семинарлар ўтказилди. Бу тадбирларда таниқли ҳуқуқшунос олимлар иштирок этишди. Куни кеча участкалар раисларининг референдумга тайёргарлик юзасидан ҳозиргача амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Вилоятимизда тоғлар орасида жойлашган ёки атрофини ўзга давлат ҳудудлари ўраган аҳоли масканлари мавжуд. Бу масканларда ҳам умумхалқ референдумига катта ҳозирлик кўрилган. Сўх тумани, Шоҳимардон қишлоғида аҳолининг референдумда тўлақонли иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, вилоятимизда референдум аҳиллик ва уюшқоқлик билан ўтиши муқаррар.

■ **Юсуп АБДУКАРИМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## ҲАМШИРАЛАР КЎРИГИ

*Биринчи ТошМИ клиникаси маъмурияти ҳамширалар орасида ижодий беллашув уюштиришни анъанага айлантирган. Клиниканинг бош шифокори Миродин Қодиров бемор билан шифокор орасидаги «кўприк» — ҳамширалар касб маҳоратига алоҳида талабчанлик билан қарайди. Ана шу мақсадда «1-ТошМИ ҳамшираси — барча ишнинг моҳираси» кўрик-танлови ташкил этилди.*

*Кўрик-танловда клиниканинг бўлимлараро ташкил этилган босқичли танловларида ғолиб бўлган 8 нафар ҳамшира қатнашди.*

*Беллашувни ҳакамлар ҳайъати олтита шарт бўйича баҳолаб борди. Унда клиниканинг бош касалликлари бўлими ҳамшираси Моҳира Умарова ғолиб, деб топилди ва махсус мукофот билан тақдирланди.*

■ **Саида САЙХУН**

## САНЪАТ ЧЕГАРА БИЛМАС

Пойтахтдаги Халқ амалий санъат музейида очилган «Швейцария миллий ҳунармандчилик намуналари» кўргазмаси мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда.

— Швейцария миллий ҳунармандчилик санъати асрлар оша ривожланиб келаётир, — деди музей директорининг ўринбосари Юлдуз Ёрмуҳамедова **«Туркистон-пресс»** мухбирига. — Масалан, шимолий Швейцария ҳунармандчилик санъати Алп маданият намунасининг таркибий қисми ҳисобланади. Тичино шаҳрида эса Лотин маданияти ёдгорликлари кўпроқ учрайди. Бу нарсани фақат буюмларда учрайдиган айрим безак усулларидан фарқлаш мумкин.

1930 йиллардан бошлаб Швейцария халқи яна ўз миллий ҳунарманчилигини тиклай бошлади. Ҳозирги кунда миллий анъаналар асосан Швейцариянинг катта шаҳарларидаги амалий санъат мактабларида ривожлантирилмоқда. Бу мактабларда замонавий безак техникаси, шунингдек, бошқа маданиятлар ғоялари ўрганиляпти.

BU DUNYONING ISHLARI

## ХАМАС БАЁНОТ ҚАБУЛ ҚИЛДИ



Исроил ҳарбийларининг Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида Наблусга бўлган юришлари чоғида 5 нафар Хамас аъзоларининг ўлдирилиши Хамас етакчиларининг Исроилга ички уруш очиш ҳақидаги баёнотларига сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, ўлдирилган жангарилар орасида жангари гуруҳ раҳбари ҳам бўлган. Хамас гуруҳи томонидан Исроил халқига нисбатан қабул қилинган баёнотдан сўнг, яъни сешанба куни Қуддусдаги автобус бекатида террорчи оддий йўловчиларга қарата автоматдан ўқ отади. Натижада 30 га яқин киши жароҳатланди. Террорчи автомат ўқдонини алмаштириш чоғидагина, полиция томонидан отиб ташланган.

Хамас гуруҳи ўзининг расмий равишда «Исроил халқига мурожаат» деб аталган баёнотида, хусусан, Наблусдаги воқеалар исроиллик ҳарбийлар томонидан фаластинликларга уюштирилган жиноят эканлиги эслатиб ўтади.

Ушбу воқеалар эса расмий Исроилнинг ҳақиқатда Ёсир Арофат мамлакатдаги вазиятни назорат қилолмайди, деган фикрини маъқуллашга хизмат қиладиган бўлди.

### ЗАРБА АКСИЛТЕРРОРЧИЛИККА БОҒЛИҚ ЭМАС

**АҚШ ва Британия ҳаво кучлари Ироқ жанубидаги мамлакат ҳаво мудофаа кучлари позицияси бўйлаб зарба уюштирган. Бу борада АҚШ ҳарбий департаменти томонидан берилган маълумотда «Юқори аниқликдаги қуроллардан амалга оширилган бу зарбалар фақатгина Ироқ ҳарбий ҳаво кучлари томонидан келаётган хавфни бартараф этиш учун амалга оширилди. Бу зарба аксилтеррор операцияси билан ҳеч қандай боғлиқликка эга эмас» дейилади.**



## МАККА ТАЪМИРГА МУҲТОЖ



Саудия Арабистонида ҳукумат бутун дунё мусулмонлари сиғинадиган Маккани таъмирлаш лозимлиги хусусидаги таклифларга ижобий ёндошган. Маккани таъмирлаш режаси мусулмон мамлакатларидан келувчи зиёратчилар сонининг ўсиши билан боғлиқдир. Маълумки, Саудия Арабистони мусулмон мамлакатларидаги зиёратчилар учун маълум миқдорда квота ажратади. Ҳозирча ҳажга келувчилар сони йилига 2 миллиондан ошмаслиги аниқ қилиб белгиланган. Таъмирлашнинг нозик томони шундаки, Каъба ва унинг олдидаги катта масжид дахлсиз қолиши лозим, яъни таъмирланиш фақат Каъба атрофида ўтказилиши керак. Ҳозир Каъба ёнидаги майдонда бирданига 500 минг киши тиловат қилиши мумкин бўлса, таъмирдан сўнг бу ерга 1,2 миллион киши сиғиниши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Катта масжид ёнидаги бинолар бузиб ташланиб, ўрнига зиёратчиларга мўлжалланган осмонўпар меҳмонхоналар қурилиши режалаштирилган.

Ҳозирча таъмирлаш баҳоси овоза қилингани йўқ. Аммо унинг бир неча миллиардларга бориши тахмин қилинмоқда.

BU DUNYONING ISHLARI

ЗАМОН ВА ЗАМОНДОШ

# ҚАДАМЛАБ ЮРТ КЕЗГАН ОДАМ

(ОЧЕРК)

... Эрталабдан бошланган ёмғирнинг бироз шашти қайтди. Ҳали-бери булутларнинг қовоғи очиладиганга ўхшамайди. Қишнинг изғиринли куни. Яланғоч дарахтлар, эзиб ёғаётган ёмғир, айвонда қунишиб ўтирган бир жуфт мусича — барча-барчаси кишига ҳорғинлик бағишлайди.

Ҳозир дераза оша ёмғир ҳосил қилган кўлмакларга боқаркан, Жаҳонгир ака ҳам вужудида ҳорғинлик сезди. «Ёмғирнинг ўрнига қор ёғса бўлмасмиди... Болалар чувиллашиб маза қилишарди. Янги йил кечаси қор билан maroқли-да», — ўйлади у. «Ҳали-замон қизлари, «тиниб-тинчимас» набиралари келишади. Ошна-оғайнилар дегандек... Ахир бугун байрам! Янги йил ҳар куни кириб келавермайди. Ёмғир шашти пасайганидан фойдаланиб, «Чорсу»га чиқиб-тушиш керак...»

Шундай ўйлар билан у бироз тетикланди. Томирига қон югуриб, уйқусизликдан қизарган кўзларини обдон очди. Апил-тапил кийиниб, бозорга отланди.

Мана саккиз йилдирки, Жаҳонгир ака ўз ўйлари билан овунади. Турмуш ўртоғи Эътибор опа оламдан ўтганидан кейин анча ёлғизланиб қолди. Йўқ, у ўз ҳаётидан нолимайди. Фарзандларидан кўнгли тўқ. Ҳаммаси уйли-жойли, тагли-тахтли. Улар отасини ёлғизлатиб қўйишмайди. Атрофида гирдикапалак, кун-кунора йўқлашади. Жаҳонгир ака Эътибор опа билан икки қиз, бир ўғилни вояга етказиб, улар ҳақида фақат яхши гап эшитди. Онасининг қизлари-да, катта қизи Оқила ҳам, кичиги Ирода ҳам оиласини гулдек безаб турибди. Қудалари «раҳмат»дан нарига ўтишмайди. Ўғли Санжар — иқтисодчи. Олийгоҳни тугатиб, нуфузли идорада ишлаяпти.

Четдан қараганда Жаҳонгир аканинг нолийдиган жойи йўқ. Ўз соҳасининг етук мутахассиси. Ўттиз саккиз йилдирки, қишлоқ хўжалигининг энг муҳим бўғини — тупроқшунослик тизимида ишлаяпти.

Ўзини таниб, кўзини очибдики, у ҳаёт ва тириклик манбаи ер билан бирга. У билан «тиллашиб», «сирлашиб» қадр топди, жамоа ва халқ орасида эътибор қозонди.

Она ерга меҳр унга отаси Мансур акадан ўтган. Мансур ака Мақсудов асли марғилонлик бўлиб, бир неча йиллар давомида хўжалик раиси бўлиб ишлаган. Меҳнаткашлиги ва жонкуярлиги орқасидан у Тошкентга келиб қолган. Шу ерда уй-жой қилиб, муқим яшаб қолади. Жаҳонгир ака тўрт фарзанднинг тўнғичи. Шу сабабдан бўлса керак, отасини яхши хотирлайди. Иккинчи жаҳон уруши туфайли юзага келган машаққатли дамлар, у келтирган маънавий-руҳий жароҳатлар, жанг майдони ортида кечани кеча, кундузни кундуз демай тер тўккан, қишлоқ марказидаги радиоузелга жон ҳовучлаганча югурган кишилар қиёфаси унинг ёдидан кўтарилган эмас. Кечаю кундуз дала ишлари билан бўлиб, уйда бир пиёла чой ичишга вақт тополмаган отаси ҳамон хотирасида. «Ер билан тиллашган кам бўлмайди», дер эди отаси. Шу удумга амал қилган отаси ҳақиқатан ҳам кам бўлмади. Мансур акани ҳозиргача кишилар яхшилик билан хотирлашади.

Отаси билан ёнма-ён, меҳнат билан бирга ўтказган кунлари сабабдир ёш Жаҳонгирда ерга меҳр жуда эрта уйғонди. Ўрта мактабни тугатгач, ҳеч иккиланмай Тошкент қишлоқ хўжалик институти(ҳозирги Тошкент давлат аграр университети)нинг тупроқшунослик факультетига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, институт талабасига айланган Жаҳонгирнинг билими ва тажрибаси тупроқшунослик илмининг назарияси ҳисобига бойиб борди. У ўз устида тинимсиз изланиб, соҳанинг қишлоқ хўжалиги секторидаги аҳамияти, унинг жаҳоний тажрибалари ва амалиёти билан яқиндан танишди. Талабалик йиллари шу ва шу каби хотиралари билан унинг ҳаётида муҳрланиб қолди. Умрининг бу такрорланмас лаҳзаларини Жаҳонгир ака қониқиш ҳисси билан хотирлайди.

Институтни муваффақиятли тамомлагач, у Республика тупроқ экспедицияси(ҳозирги «Ер кадастри» шўъба корхонаси)га тупроқшунос-муҳандис бўлиб ишга кирди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу кезларда (1960-1965 йиллар) тупроқшунослик тизимида маҳаллий миллатга мансуб кадрлар жуда камёб эди. Шунинг учун ҳам ғайрат-шижоатга тўла, олийгоҳни эндигина битирган ёш Жаҳонгирни ҳамма бирдек қарши олган эмас. Она ерга ва ўз соҳасига айрича меҳри бўлган Жаҳонгир истеҳзоли қарашларга, ҳар хил камситишларга эътибор бермади. Отасининг панд-насиҳатлари ва болалик хотиралари уни янгидан-янги парвозларга ундади. 1966 йилда катта тупроқшунос-муҳандис этиб тайинланди. Шундан сўнг унинг фаолият кўлами кенгайиб, гуруҳ бошлиғи, ерларнинг сифатини баҳолаш бўлими сектор бошлиғи вазифасидан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг «Ер кадастри» шўъба корхонаси директорлигигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

Бу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, камтаринлиги, ташкилотчилик қобилияти билан халқ ҳурматига сазовор бўлди. Хизмат юзасидан у бормаган бирор бир гўша, республикамизнинг бирор бир шаҳар-қишлоғи қолмади. Юртимизнинг ҳар бир гўшаси ҳақида унинг ўзига хос хотиралари бор. Бугун Жаҳонгир Мақсудов тупроқшунослик илми билимдони эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. У ўз муваффақиятини ҳақли равишда С.П.Сучков, Н.А.Мамчич, В.Ли, М.Бобохонов каби устозлар ва меҳнатни қадрига етадиган халқимиз билан уйғунликда кўради. Жаҳонгир ака бир қатор ўқув-услубий қўлланмалар муаллифи, талай мукофотлар, фахрий ёрлиқлар соҳибидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан у 2001 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. 1996 йилда Германияда малака ошириб, имтиёзли сертификатга эга бўлган Жаҳонгир Мақсудов эндиликда катта мактаб асосчисига айланди. И.Акромов, А.Туропов, Ғ.Исҳоқов каби соҳанинг етук мутахассисларини вояга етказган бу илм мактаби қишлоқ хўжалиги фани ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. «Ер кадастри» шўъба корхонаси республика тупроқлари унумдорлигини аниқлаш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда. Бу ишларнинг барчасига Жаҳонгир Мақсудов бош-қош.

... Ўчоққа ўт қалаб ўтираркан, Жаҳонгир аканинг кўз олдига замонавий технология билан «қуролланиб», самарали иш олиб бораётган шогирдлари келди. Уларга том маънода ҳаваси келди. Ундан икки-уч уй нарида турадиган, бутун умри қора меҳнат билан ўтган Аҳмад аканинг ўғли ҳозир Америкада ўқияпти. Яқинда таътилга келганда кўрувди, таниёлмай қолди. Яқин дўсти Алишер аканинг ўғли ҳам хорижда. Ўқияпти. Бу йил тугатса керак. Ўзбекнинг оддий оиласидан чиққан фарзандлар бугун дунё кезаётир! Ватани, миллати номини баланд тутаётир! Ана шуларнинг барчаси мустақиллик шарофатидан. Юрт мустақил бўлмаса, халқ эмин-эркин яшай олмаса, миллат ўз бойлигига эгалик қилолмаса, бу ишлар амалга ошармиди?!

Шу жойга келганда Жаҳонгир ака бутун умрини бағишлаган, «кўз очиб кўргани», ҳаётининг маъно-мазмуни бўлган қишлоқ хўжалиги тизимида кечаётган ислоҳотлар ҳақида ўйлади. Мустақиллик туфайли кимёвий ўғитлардан ҳолсизланиб, кўр-кўрона зуғумлар, «марказ»нинг мантиқсиз уринишлари қурбони бўлаёзган еримиз ҳақиқий эгасини топди. Унинг ҳам «кўкрагига шамол тегди». Она ер аниқ режали ислоҳотлар сабаб қадрини тикламоқда. Унинг бебаҳо тириклик манбаи эканлиги эътироф этилаётир.

Истиқлол йилларида пахта «яккаҳокимлиги»га барҳам берилиб, пахта экиладиган экин майдонлари 2 миллион гектардан 1,5 миллион гектарга қисқартирилди. Донли экинлар майдони 1,2 миллион гектарга кенгайтирилди. Айнан шу даврда одамларга шахсий томорқа учун қўшимча равишда 550 минг гектар суғориладиган ер ажратилди ва шахсий томорқа учун берилган ер майдони 700 минг гектарга етди. 9 миллиондан ортиқ фуқаро ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда. 1992 йилдан 1995 йил бошларигача қишлоқ туманларидаги 1137 давлат хўжалиги (совхоз) 530 жамоа хўжалигига, 350 кооперативга, 100 дан ортиқ ижара, шунингдек, бошқа мулк шаклларига айлантирилди. Бунинг самараси ўлароқ деҳқонда ерга эгалик ҳисси шаклланди. Фуқароларда «Бу менинг мулким, ундан келадиган даромад меники» деган бир қарашда оддий, аслида эса бозор иқтисодиётининг негизи бўлган қараш, тафаккур тарзи вужудга келди.

Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги экинларини ерларнинг, хусусан, тупроқнинг ҳолатига қараб ҳудудий ҳолда табақалаштириб жойлаштириш имконияти юзага келди. Экинларга маъданли ва органик ўғитлар солишда тупроқнинг табиий унумдорлигини ҳисобга олган ҳолда уларга ишлов берувчи техникалар танлаш тизими ишлаб чиқилди. Ерларнинг кадастр минтақаларига қараб суғориладиган ерлардаги тупроқларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш, мелиоратив ҳолатни яхшилаш, шўрни ювиш технологиялари яратилди. Республиканинг 102 туманидаги суғориладиган ерларда тупроқ хариталарига тузатиш киритиш, тупроқ бонитировкасини аниқлаш ишлари якунланди. Барча вилоятларда ерларнинг тупроқ бонитет кўрсаткичлари, меъёрий баҳолаш ҳужжатлари ва хўжалик тупроқ хариталари ишлаб чиқилиб, фойдаланиш учун тавсия этилди.

Бу ишларнинг барчасида Жаҳонгир Мақсудов бевосита ва билвосита иштирок этди. У ҳақда гап кетганда ҳамкасблари «Республика ерларини қадамлаб ўлчаб чиққан одам» дейишади. Биргина 2001 йилда «Ер кадастри» шўъба корхонаси Андижон, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари дала шароитида иш олиб бориб, тупроқнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш баробарида хўжаликларга тегишли тавсиялар тақдим этди.



Соҳа кишилари тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида, яқинда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари «Атлас»ининг биринчи нашрида «Ер кадастри» шўъба корхонаси ва унинг жонкуяр раҳбари Жаҳонгир Мақсудовнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида эътироф этадилар. Айниқса, тупроқ унумдорлигини аниқлаш, ундан самарали фойдаланиш ва тиклаш ишларини бажаришнинг суғориладиган, лалми ерларнинг қийматини аниқлаш, давлат «Ер кадастри» мақсадлари учун тупроқ текширув ишлари ва тупроқ хариталарини тузиш усулларини жорий этишдаги фаол иштироки таҳсинга лойиқдир.

...Инсон ёши улғайиб боргани сари хотиралар ичига сингиб боради. Хаёлга ошно тутинади. Жаҳонгир ака кексаликка бўйин бермаса-да, кейинги пайтларда ўз ҳаётининг мазмуни, босиб ўтган умр йўли ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолди. Тунлари уйқусизлик... Ҳозир ҳам ўйлар билан бўлиб «паловхонтўра»ни эсдан чиқараёзибди. «Дастёр» набира жонига оро кирди. Ҳаракатлари илдамлади. У бугун ўзида бозорга тушиш истаги қаердан пайдо бўлганини энди англади. У кўпдан бери иш билан бўлиб фарзандларидан, оилавий юмушлардан узоқлашиб қолганди. Оталик ҳисси уни бу ишга ундади. У энди билса, фарзандларига ўзининг оталик ҳиссини кўрсатиб қўймоқчи экан...

...Пойтахт узра байрам нафаси ҳукмрон. Болаларнинг шўхшодон кулгуси, ҳар хил ўйинчоқларнинг овози узоқ-яқиндан эшитилиб қолади. Байрамларни ким ўйлаб топган экан-а?! Ташвишлардан чарчаган инсон бир кунга бўлсин ҳордиқ чиқариши лозим-да... Ана шу лаҳзаларда у ўз моҳиятига яқин боради. Ўзи, оиласи, ватани, халқи, ўтмиши, келажаги ҳақида ўйлайди. Инсоннинг ана шу «мен»и уни парвозларга, яшашга ундайди.

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қоларкан, Жаҳонгир акани ҳам шундай ҳислар чулғаб олди. Яна бир неча дақиқадан сўнг Янги йил кириб келади. Янги орзулар, янги ҳаёт... Соат чалинди... Бир... икки...уч... Бонг чалинди... Жаҳонгир ака учун янги ҳаёт, таъбир жоиз бўлса, унинг иккинчи умри бошланди. У қаттол тузум бағрида изсиз кетган ғайрат-шижоатга тўла йигитлик йиллари, ўз нуқсини қизларига қолдириб кетган турмуш ўртоғи хотираси, атрофида парвонадек гирдикапалак бўлган фарзандлари, севинчи ичига сиғмай ҳайқираётган, ҳаётга ташна набиралари, уни вояга етказган, таянч ва суянч бўлган яқинлари, уни нафақалик давридан чақириб олиб, унга ишонч билдирган жамоаси, бутун ҳаётини бағишлаган соҳаси ривожи, унинг меҳнатини қадрлаган Ватани, халқи, Президенти ишончи ҳаққи-ҳурмати яшаши, юртининг буюк келажаги учун курашиши керак! Бошқача бўлиши мумкин эмас!...

Янги йил бонгини Жаҳонгир ака шундай қаршилади. Истиқлолнинг фараҳбахш сурури уни яшартириб юборди, унга куч-қувват, бунёдкор қудрат бахш этди.

■ Шуҳрат ОРИФ

## XORIJDA

## «ТВ-6» «ТУҲФА»НИ РАД ЭТДИ



**Россиянинг «ТВ-6» канали борасидаги жараён яна бир янгилик билан бойиди.**

Маълумки, АҚШ ва Европа мамлакатлари Россияда мустақил оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказилаётгани ҳақида эслатиб ўтишганди. Шундан сўнг Россия Президенти ва Бош вазир томонидан «ТВ-6» журналистларига ҳамдардлик билдирилди. Бу ҳамдардликнинг маъноси Россия матбуот вазирлигининг «ТВ-6» канали журналистлар жамоасига янги лицензия, яъни олдинги ҳомийлардан воз кечган ҳолда, беришда намоён бўлганди. Яъни «ТВ-6» жамоаси худди шу таркибда, бироқ ўз ҳомийларидан воз кечган ҳолда ишлаши ва шу тариқа уларнинг позициясини бироз мувофиқлаштириш кўзда тутилганди. Бу жилвакор таклифга канал бош директори Евгений Киселев олдинига қаршилик қилмаган, бироқ охирги дақиқаларда ушбу туҳфадан воз кечишга қарор қилгани ҳақида ариза юборган. Шундан сўнг, Матбуот вазирлиги узил-кесил «ТВ-6» каналини тугатиш ҳукмида тўхтаган. Маълумотларга кўра, яна бир телеканал айнан мустақил равишда ва Евгений Киселев бошчилигида рўйхатдан ўтиш учун ҳозирланган, бироқ Россия матбуот вазирлиги бу мустақил каналга «оқ йўл» бермаслиги ҳозирданоқ аниқ, дейишмоқда мутахассислар.



ЯПОНИЯ КЎЧАЛАРИДА

## РОССИЯ МУРОЖААТИ КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

**Кеча Женевада Халқаро Савдо Ташкилоти(ХСТ)нинг икки кунлик кичик йиғилиши бошланди.**



Унда Россиянинг ушбу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги мурожаати кўриб чиқилади. Музокараларда ХСТнинг янги аъзоси Хитой делегатлари ҳам иштирок этмоқда.

ХСТ Бош директори Майк Мурнинг таъкидлашича, Россия ушбу ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлиб киришга тайёр. Бу келгуси йилда вазирлар кенгаши иштирокида ўтказиладиган конференцияда амалга ошиши мумкин.

## ЕИга ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ МУМКИН

Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси Кипр Европа Иттифоқига қабул қилингунга қадар ўз муаммоларини бартараф этишига умид билдирмоқда. Европа Иттифоқи Кипрни ушбу орол-давлатда яшаётган турк ва грек жамоалари келишувга эриша олмаган тақдирда ҳам ўз сафига қабул қилиш истагини билдирмоқда.

## ШУБҲАДА — ПОКИСТОН АЙҒОҚЧИЛАРИ




**CNN бераётган хабарда Покистон расмийлари Калькуттадаги Америка ахборот агентлигига уюштирилган ҳужумга дахлсиз эканликлари айтилган.**

Бу борада Покистон ташқи ишлар вазирлиги вакили Муҳаммад Азиз Хон қўйилаётган айбларнинг пуч ва асоссиз эканлигини айтиб, «биласизки, Покистон терророрнинг ҳар қандай кўринишини кескин қоралайди», дея таъкидлаб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, номаълум кишилар томонидан Американинг ахборот агентлигига уюштирилган ҳужум натижасида агентликнинг 4 нафар қўриқчиси ҳалок бўлган, 21 киши жароҳатланган.

Би-Би-Си хабарига кўра эса ушбу терактларга жавобгарликни Ҳиндистон шимолида фаолият юритадиган «Ҳаракат», «Жиҳод ул Исломи», шунингдек, «Азиф Рози командаси» гуруҳлари ўз бўйинларига олишган.

Бироқ Ҳиндистон ички ишлар вазири Лал Кришна Адвананинг баёноти ҳақиқатда ҳайратланарли. Унинг фикрича, терактни Покистоннинг ISI айғоқчилик гуруҳи амалга оширган.

## ХИТОЙ ТАШРИФИ

**Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзайнинг Хитойга ташрифи бошланди.**



У Хитой давлат кенгаши раҳбари Чжу Жунцзи билан учрашади. Музокарада Афғонистонда сиёсий барқарорликни таъминлаш ва мамлакат иқтисодини тиклаш масалалари муҳокама этилади. Музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Шунингдек, Хитой Афғонистонга иқтисодиётни тиклаш учун ёрдам сифатида 100 миллион АҚШ доллари бермоқчи. Ташқи ишлар вазирлиги вакили Чай Сининг айтишича, расмий Пекин Афғонистон иқтисодини тиклаш жараёнида фаол иштирок этади ва бу молиявий ёрдам «хамир учидан патир»дир.

## АРОФАТНИ АЙБЛАМОҚДА



Исроилнинг собиқ бош вазири Эҳуд Барак Фаластин раҳбари Ёсир Арафотни масъулиятсизликда айбламоқда. У Вашингтонга сафари чоғида журналистлар билан учрашиб, Фаластин маъмурияти раҳбари террорчиликни жиловлашга ожизлик қилаётганини таъкидлади.


# «ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ

## акциядорлари диққатига!

**2001 йил якунлари бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий мажлис Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ҳокимлиги мажлислар залида 2002 йил 25 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Акциядорлар шу куни соат 10.00 да ҳокимлик биносида рўйхатга олинадилар.**

КУН ТАРТИБИ:

1. «Юнусобод универсал бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил молиявий ва хўжалик якуни бўйича Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил молиявий ва хўжалик якуни бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йил 2-ярим йиллиги учун молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.
8. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақида.

«ЮНУСОБОД УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ БАЛАНСИ (минг сўм)

| АКТИВ | |
|---|---|
| Асосий воситалар | 1327053,5 |
| Капитал қўйилмалар | 132551,4 |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари | 3210,3 |
| Товарлар | 17432,8 |
| Келгуси давр ҳаражатлари | |
| Пул маблағлари | 21003,2 |
| Дебиторлар | 13718,6 |
| Жами | 1514969,8 |
| **ПАССИВ** | |
| Устав капитали | 67000,0 |
| Қўйилган капитал | 3802,0 |
| Резерв капитали | 16172,7 |
| Тақсимланмаган фойда | 39418,2 |
| Мақсадли тушумлар ва фойдалар | 1376748,3 |
| Қисқа муддатли қарзлар | — |
| Кредиторлар | 11828,2 |
| Жами | 1514969,8 |

2001 йил якуни бўйича соф фойда 68062,0 минг сўмни ташкил этади.

# INTER-SPORT

## ТАЙСОН ЯНА МУШТ ТУШИРДИ



*Нью-Йоркда ўтказилаётган матбуот йиғилишида кутилмаган воқеа содир бўлди. Боксчилар — Майк Тайсон билан Леннокс Льюис учрашувига бағишланган бу тадбирда «темир мушт» номини олган Тайсон кутилмаганда рақибига кучли зарба берди. Айни пайтда Тайсоннинг ўзи ҳам бошидан лат еди. Оқибатда шу йилнинг 6 апрелида чемпион Льюис билан чемпионликка даъвогар Тайсон ўртасидаги ўтказилиши лозим бўлган учрашув муддати тасдиқланмай қолди. Матбуот анжумани ўтказилган бинони тарк этаркан, Тайсон қўлини ғолибона баланд кўтариб, бир неча ножўя сўзлар айтиб бақирди. Журналистлардан бири Тайсонга «муроса» кўйлагини кийдириш керак, деган сўзига Тайсон: «Сен ҳақиқий эркак қандайлигини билмайсан», деди.*

## ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАР



*Теннис бўйича Австралия очиқ чемпионати якунланай деб қолди. Россия теннисчилари орасида фақат Марат Сафин совринга даъвогарлик қилмоқда. У америкалик Пит Сампрасни тўрт сетда 6:2, 6:4, 6:7, 7:6 ҳисобида енгиб, чорак финалга чиқди. Энди Марат навбатдаги учрашувни Жанубий Африка теннисчиси Уэйн Феррейр билан ўтказади.*

## КУФФУРСИЗ ЎЙНАЙ ОЛАМИЗ

*Мюнхеннинг «Бавария» клуби ҳимоячиси Самюэль Куффур Гана терма жамоаси сафидан ҳайдалди. Жамоанинг бош мураббийи Фред Осам-Дуду моҳир футболчини интизомсизликда айблаш билан шундай қарорга келган. «Куффур ўзини танҳо ва алмашиб бўлмайдиган футболчи деб санар ва жамоада соғлом муҳитни бузиш йўлида ҳаракатлар қиларди», — деди мураббий. — Зеро, биз бундай футболчисиз ҳам ўйнай оламиз».*

## ЗИНАПОЯДАГИ ҚОТИЛЛИК

*Тбилисида қотиллик содир бўлди. Мамлакат баскетбол федерациясининг вице-президенти, ўз даврининг моҳир ўйинчиси Дуду Дадиани отиб ўлдирилди. Қотиллик шаҳарнинг марказий туманларидан бирида содир бўлган. Ҳозирча кимлиги аниқланмаган жиноятчи вице-президентни бинонинг зинапоясида пинҳона кутган ва пайт пойлаб «Макаров» тўппончасидан тўрт бор ўқ узган. Шундай қилиб, Дудунинг жони касалхонада узилган. Мухлислар Дадианини 90-йилларда Тбилисининг «Динамо» клубида, «Вита» ва мамлакат терма жамоасида ажойиб ўйин кўрсатган баскетболчилардан эканини яхши билишади.*

**«Ўзавтодарётранс» агентлиги томонидан «Шўрчитаъмир» ОАЖ корхонасига берилган АТ 0003760 рақамли лицензия варақаси ва «ГАЗ-53 А» русумли, давлат рақами 49-91 СДЛ автотранспортига берилган АТ 0150280 рақамли лицензия карточка йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# ҚЎШИҚНИНГ ҚАНОТИ БОР



*«Ўзтелерадиокомпания» қошидаги мақомчилар ансамбли хонандаси, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуджон Йўлдошевнинг ижро этган лирик ва мумтоз қўшиқлари қалбларда титроқ уйғотади. Унинг ижросидаги 70 дан ортиқ асарлар «Олтин фонд»дан жой олган. Соҳанинг сир-асроридан хабардор бўлиш истагида санъаткор билан фикрлашдик.*

***— Маҳмуджон ака, қўшиқ оламига кириб бориш жараёни қандай кечади?***

*— Санъаткор борки, бу соҳага ёшликдан меҳр қўймоғи керак. Дастлаб рубобда ноталарни ўрганиш мактаб давридан бошланади. Уч-тўрт йиллик машаққатдан кейин ёш ижрочи рубобда куй чалишни ўрганиб олади. Бунинг учун тиришқоқлик, сабот керак. Кўпгина тенгқурларимиз ана шу дастлабки жараён синовидан ҳам ўта олмай, бошқа касбни танлашганларини биламан. Шундан сўнг ёш ҳаваскор ўз имкониятига яраша қўшиқчиликнинг йўлини танлаб олади. Ўзим 10 ёшларимдан шу касбга меҳр қўйганман. Ижодкор қайси соҳада ижод қилмасин, унда туғма талант, изланиш бўлмаса, ҳеч нарсага эришолмайди. Яна ўзи яратган куй-қўшиқдан ўзи ҳузурланмаган санъаткор ҳақиқий санъаткор бўла олмайди.*

***— Мухлисни жалб қила оладиган асарни қандай ярата олиш мумкин?***

*— Ижодкор чин дилдан меҳнат қилса, тингловчини юрагини «жиз» эттира оладиган асар яратади... айтади ҳам. Жазоир, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда бўлганимизда «Насруллоҳ», «Мирзо давлат», «Муножот» каби ўнлаб мумтоз асарларимиз оҳангига маҳлиё бўлиб қолган инсонларни кўрганмиз, гарчи улар айтилган қўшиқларнинг сўзларига тушунмаган бўлсалар-да.*

***— Мумтоз ижро ва эстрада жанрида яратилаётган қўшиқларнинг кишилар қалбидан жой олишида фарқ борми, яъни қайси бири тезда ўз мухлисини топади?***

*— Ҳар доим айтилганидек, мумтоз қўшиқларимизда инсоннинг руҳиятига сингувчи бир куч бўлади. Бу неча минг йиллардан буён ўз исботига эга фикр. Эстрада эса тараққиёт натижасида кириб келган жанр. Устоз Ботир Зокиров унга асос солган бўлса, вақт ўтган сайин ўзбек эстрадаси мақомига етиб, мустақиллик йилларида, айниқса, ёшларимиз талқинида бирмунча ривожланмоқда. Демак, бу жанр ҳам халқнинг қалбига етиб борди. Унинг ижрочиси ҳам, тингловчиси ҳам асосан ёшлар. Шундай экан, мумтоз қўшиқчилигимиз ҳам эстрада ҳам яхлитлашиб ўзбек қўшиқчилигини ташкил этиши керак. «Эстрадачи» ва «мумтозчи»ларга бўлинмаслиги шарт. Икки жанрда ҳам ўз услубига эга ёшларнинг етишиб келаётганлиги бу соҳанинг порлоқ истиқболидан далолат беради.*

*Ўтган йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» фестивалида 20 дан ортиқ мамлакатдан вакиллар қатнашди. Бунда катта ашула ижрочилари Соҳиб Ниёзов ва Абдунаби Иброҳимовлар Ҳайратий сўзи билан «Жоним менинг» катта ашуласини ижро этишиб биринчи ўринни олишган бўлса, эстрада ижрочилари Ғиёс Бойтоев, Озода Нурсаидова ва Муҳриддин Ҳолиқов (марҳум) ларнинг ижодлари ҳам мақтовга лойиқ. Бир сўз билан айтганда, ижрочисини топган ҳар қандай яхши қўшиқ мухлисини ҳам топади. У юракларга кириб боради. Халқимиз «қўшиқнинг қаноти бор» деб бежиз айтмаган.*

***— Рақс санъатида «Бухороча», «Хоразмча», «Фарғонача» атамалари бор, қўшиқчиликда ҳам шундай «тоифалаш» мавжудми?***

*— Бу «тоифалаш» эмас, аксинча бирор санъат тури ўша халқнинг урф-одатларига маълум маънода ёндош яралганлиги учун шундай аталади. Бу дегани бухоролик санъаткор Бухоро мақомларини ёки фарғоналик санъаткор фақат фарғонача куй-қўшиқ ижро қилади дегани ҳам эмас. Масалан, «Шашмақом» асарлари ўз ичига Бухоро ва Фарғона мақомларини мужассам этса, Хоразм мақомлари алоҳидалик касб этади. Улуғ устозларимиз ҳар учала услубда ҳам ижод қилишган.*

***— Мумтоз қўшиқларимиз яратилишида замонавий шоирларнинг асарларидан кам фойдаланилаяпти чамамда...***

*— Классик руҳда, айниқса, арузда ижод қилаётган шоирлар кам десак хато бўлар. Аммо бу борада санъаткор ва шоирнинг бирга ижод қилишига ҳафсала қилинмаяпти. Қўшиқчи ва шоир бирга ижод қилса, ҳам шоирнинг, ҳам қўшиқчининг истеъдоди ўсади, ўлмас ғазаллар яралади, ўтмишда шундай бўлган.*

*Аччиқ ҳақиқатни айтиш фойдадан холи эмас. Баъзи вақтларда радио, телевидение минбаридан енгил-елпи қўшиқларнинг ўрин олиши, ижрочи олдига қўйилаётган талабнинг қониқарсизлиги кишини ўйга толдиради.. Бунда муайян бир гуруҳ ёки шахсни айблаш ҳам хато бўлади. Фақат ўша соҳанинг мураккаб томонларини енгиб ўта оладиган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларга нисбатан янада талабчан бўлиш яхши самара беради, деб ҳисоблайман. Бу борада «Ўзтелерадиокомпания» қошида бадиий кенгаш тузилгандан кейин анча ижобий силжишлар бор. Кўз тегмасин, деб турибмиз.*

***— Бугунги кунда овоз кучайтиргичларсиз катта давраларни ўзига қарата оладиган овоз соҳиблари йўқ ҳисоби. Буни қандай изоҳлайсиз?***

*— Тўғри, бундан 40-50 йиллар аввалари шундай истеъдодлар бўлган. Тарих ҳеч қачон орқага қадам ташламайди. Бугунги куннинг ашулачисининг ҳам, тингловчисининг ҳам табиати ана шундай техник воситаларга мослашди. Баъзида микрофонсиз ашула айтишга тўғри келиб қолади. Шунда тингловчининг ашулани лоқайд қабул қилаётганининг гувоҳи бўламиз, бу бор ҳақиқат. Аммо ташвишланишга ҳожат йўқ.*

**■ Сулаймон ҲАЙДАР суҳбатлашди**

## ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ОЛИМ БЎЛИШ ОСОНМИ?



Ҳаётда шундай инсонлар учрайдики, улар савобли, эзгу ишлари, эл-юрт манфаати, мақсади йўлида қилган бетиним саъй-ҳаракатлари билан умр дафтарларини зарҳал ҳарфлар ила безаб, номларини мангуликка муҳр этган бўладилар. Бундай нурли сиймолар, олижаноб, меҳригиё зоти шарифлар билан учрашганингда, дийдорлашганингда дилинг яйраб-яшнаб, ғуборинг тўкилиб, кўзларинг чарақлаб кетади. Уларнинг донишмандона сўзлари, пурмаъно, ҳикматомуз ўгитлари, панду насиҳатларини тинглаганинг сари яна тинглагинг, маънавий озиқларидан баҳраманд бўлгинг келаверади. Улар билан дилдан суҳбатлашиш, мулоқот қилиш истаги, хумори қалбингни беихтиёр ўртайверади. Зеро, бундай улуғ инсонлар юртимизнинг бебаҳо бойлиги, улар ҳар биримизнинг доно маслаҳатгўйимиз, тоғдек суянадиган пушти паноҳларимиздир.

Шундай азиз ва мўътабар инсонлардан бири иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи олим Шерқул Шодмоновдир. Бу инсон ҳамиша халқ ишига, унинг каттаю кичик юмушини бекаму кўст адо этишга камарбаста. Унинг сермазмун умр дафтарининг ҳар бир зарварағи аниқ мақсад-муддаолар сари йўналганлиги, одамларга эзгулик улашиш, яхшилик қилишдек савобли ишларга бахшида этилганлиги билан ажралиб туради.

Шерқул Шодмонов қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ундаги оддийлик, одамийлик, камтаринлик, ишчанлик ва меҳнатсеварлик фазилатлари унинг ички маънавий оламини ҳамиша безашда давом этаверади. Бу зоти шарифда икки муҳим жиҳат — ташкилотчилик, раҳбарлик қобилияти, маҳорати билан бирга етук олимлик, фан арбобига хос юксак салоҳият бир-бири билан уйғунлашиб, мантиқан бирлашиб кетган.

Бўлажак олим 1973 йилда аспирантурани тугатгач, «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш ва унинг самарадорлиги» мавзуида номзодлик диссертациясини ва 1987 йилда «Қўшимча маҳсулот ва унинг шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни бартараф қилишдаги роли» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. Ўша вақтдан ҳозиргача «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда. 1988 йилдан профессорлик, 1992 йилдан эса Шерқул Шодмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони берилди. Айни чоғда Шерқул Шодмонов Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи муовини лавозимида ҳам сидқидилдан фаолият кўрсатиб келмоқда. Ташкилотчи ва етук иқтисодчи олимнинг кўплаб илмий, ўқув услубий ишлари чоп этилган.

Олимнинг бевосита бошчилигида тайёрланган «Амалий иқтисодиёт» ва «Иқтисодиёт назарияси» ўқув фанларидан бир неча намунавий дастурлар ҳамда қўлланмалари республикамиз олий ўқув юртларида самарали фойдаланиб келинмоқда. Шунингдек, унинг раҳбарлигида ўндан зиёд фан номзоди тайёрланган.

Ш. Шодмонов 1992 йилда икки ой Туркиядаги Анқара университетида хизмат сафарида бўлиб, бозор иқтисодиёти бўйича тажриба алмашган. Санкт-Петербургдаги Молия-иқтисод университети билан доимий алоқалар ўрнатилган. Малайзия халқаро Ислом университетида ҳам бўлган ва у ерда семинарларда қатнашиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти ва истиқболлари тўғрисидаги маърузалари билан чиқишлар қилган.

Ҳозирги кунда Ш. Шодмонов раҳбарлигидаги кафедра жамоаси «Миллий иқтисодиёт ривожланишнинг омиллари ва қонуниятлари» мавзуида катта ишларни амалга оширмоқда. «Иқтисодиёт назарияси» фанидан янги дарслик ва ўқув қўлланмаси тайёрлаш устида ишламоқдалар.

**■ Суннатулла РИЗАЕВ, ТДИУ профессори**



Табиат мўъжизаси

## ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ...

# ОТ – ИНСОННИНГ ДЎСТИ, ҲАМРОҲИ



Кутилмаганда телефон жиринглади. Кўтардим.

— Тошкентми? — деган овоз эшитилди.

— Ҳа, — дедим мен.

— Бувайдадан қўнғироқ қиляпман, уйларингизда бироз нохушлик бўлиб турибди, иложи борича тез етиб келинглар, — деган хабардан хушимни йўқотаёздим.

Биз машинага ўтирдик, ярим тунда қишлоғимизга кириб бордик. Афсуски, бу нохуш хабар рост бўлиб чиқди. Қайнағам сувга ғарқ бўлганди, иккинчи куни ҳам бошлари қотиб топиша олмай турганларида, кимдир: «От олиб келиш керак, от топади», — деб қолади. Оллоҳнинг қудратини қарангки, қаёқдандир бир отнинг ўзи келиб қолади. Одамлар қанчалик уриниб топиша олмаган жасадни от бир пастда топганига кўпчилик гувоҳ.

Сувга қандай қулаган бўлса ўша жойда тупроқ босиб қолган экан. От шу жойга келганда оёғини кўтариб кишнаб юборибди. Буни қарангки, отнинг қанчалик хосиятли, инсоннинг энг яқин ҳамроҳи эканлигига тан бермай илож йўқ.

**■ Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА, «Қаламкаш» тингловчиси**



Чағалоқларнинг бирдан-бир умиди шу ерда қолди...

## РУҲИЯТ ЛАҲЗАЛАРИ

*Жуброн ХАЛИЛ*

### ОҲАНГ

Қалбимнинг туб-тубидан қайнаб чиқаётган оҳангни ифодалашга сўз бойлигим етишмайди. Оҳанг қалбим даласига сепилган уруғ, у униб, яшнаб ҳосил бера олармикан? Бу уруғ сиёҳ бўлиб, қоғозга тўкилгиси келмайди. Оҳанг қалбимни ҳарир пардага чулғаган ва у ҳеч қачон тилимдан сувдай тўкилишини хоҳламайди.

Мен бу оҳангни қандай оламга ишонаман? Ахир уни ҳаводаги гард-ғуборлардан ҳам асрагим келади. Оҳанг ҳам қалбим уйида яшашга ўрганиб қолган ва у ёруғ дунёга чиқай деса, қўпол, кар тингловчиларга дуч келишидан қўрқади.

Кўзимда оҳанг суратининг сояси, бармоқларим учида оҳанг титроғининг садоси кўринади.

# «ТАБАССУМ ВА КЎЗ ЁШЛАР»

## туркумидан

Тиниқ кўл юзасида юлдузли само акс этгандай, қўлларим титроғидан самовий дунёга чиқишга интилади. Кўз ёшларимда эса саратон субҳидамида тебранаётган гул узра қалтириб турган шабнамлар ялтирайди.

Бу оҳангни сукунат гиламдай ёяди, шовқин яна йиғиштириб олади. Бу оҳангни тушлар такрорлайди, уйғоқлик уни яширади.

Бу севги оҳанги, эй одамлар! Уни янгратишга ҳазрати Исҳоқ қани? Уни жаранглатишга ҳазрати Довуд қани?

Бу оҳанг суман гулбаргидан муаттарроқ, бундайин нозик атирни кимларнинг қўпол димоғлари ҳидлайди? Бу оҳанг қиз бола дилида асраган сир-асрор, бу сирларни қайси нозик тор қилғуси ошкор?

Денгиз суронларини булбул «чаҳчаҳ»ига уйғун қила олгай ким? Бўронлар гувлашини чақалоқ нафсига эш қила олгай ким? Бу оҳангларни Яратганнинг ўзидан бошқа ким ҳам янграта олгай?

### РУҲ ГЎЗАЛЛИГИ

Тангри таоло ўз моҳиятининг бир заррасидан Инсон Руҳини пайдо қилди ва унга ҳусну жамол ато этди.

У Руҳга ранго-ранг тонг шаббодаларини, дала гул-чечакларининг муаттар бўйларини, Ой нурининг нозик-нафислигини ато этди.

У Руҳга шодлик майи тўлғазилган қадаҳни берди ва айтди: «Агар ўтмишимни унутмай, келажакдан ғофил қолмай», десанг буни ичмагил. Сўнг тангри таоло Руҳга қайғу бодасини берди ва айтди: «Ҳаётда шодлик, фароғат топай, десанг, буни ичгил!»

У Руҳга ишқ ато қилди, «Ўзингдан кўнглинг тўлган лаҳзада ишқдан жудо бўласан, — деди. У Руҳга лаззат-фароғат берди ва «Бир роҳатланай» десанг бундан айриласан» деди.

У Руҳга Арши аълодан илм нурларини берди, «Илм билан ҳақ йўлни топасан», деди.

У Инсон кўнглининг кўринмас қатларига басират кўзларини жойлади, «Булар билан кўринмас оламларни кўрасан», деди.

У Инсон Руҳига нозик ҳиссиётларни ато қилди, «булар ёрдамида хаёлот ва руҳий оламларга сайр қиласан», деди.

У Инсон Руҳига ишқ эҳтирослари либосини бердики, бу либосни фаришталар камалак рангларидан тўқиган эдилар.

Тангри таоло Инсон руҳига нурнинг сояси бўлмиш исён зулматини берди.

Сўнг у, қаҳр-ғазаб ўчоғидан бир чўғ, жаҳолат саҳросидан бир қуюн, иззатталаблик, манманлик денгизидан бир ҳовуч қум, абадият оёғи остидан бир гард олиб, Инсонни яратди.

У Инсонга кўр-кўрона куч-қудрат бердики, одам ақлини йўқотганида ғазабдан портлаб кетади, ишқ дарёсига тушса, кўр-кўрона қудрат олови ўчади.

Ниҳоят, тангри таоло Инсонга жон ато қилдики, бу — ажалнинг сояси эди.

Шундан сўнг Тангри таоло шодланиб, табассум қилди, қайғудан кўзлари ёшланди ва Инсонга бениҳоя меҳр қўйди ва унга Руҳни ҳадя қилди.

### ГЎЗАЛЛИК

Эй, сиз, шохлаб тарвақайлаб кетган сохта ақидаларнинг сўқмоқларида адашганлар. Бир-бирига зид таълимотларнинг дардларида йўлини йўқотганлар, Худога итоат қилишдан кўра мардудлик кишанларини афзал билувчилар, тафаккурнинг хушманзара ўтлоқларидан кўра тақлид устунларини афзал билганлар, тангри жамоли бўлмиш Гўзалликни қадрланг. Худонинг табиий мавжудотлари нақадар мукаммал, тафаккур бўстонлари нақадар гўзал. Дин, эътиқодни эрмакловчилардан, очкўзлик билан мол-дунё учун уйланувчилардан, мангу роҳат-фароғатни билмай, ҳозирию ҳузурини ўйловчилардан узоқлашинг, илоҳий гўзалликка иймон келтиринг. Гўзалликни севиш, ҳайратланиш — ҳаётингиз маъноси бўлсин. Асл гўзаллик сизни гадоликдан шоҳлик тахтига етказади, у қалб кўзингизни очади.

Эй, сиз, зиддиятлар, олишувлар қоронғулигида адашиб, турли тахминлар ботқоғига чўкаётганлар! Ахир ҳақиқат гўзалликда-ку, гўзаллик шубҳа, гумонлар туманини тарқатади, ҳақиқат нури билан сизни ёлғонлар ботқоғининг зулматидан халос қилади. Баҳорда уйғонгувчи боғларга, тонгги лолалардаги шабнамларга қаранг, бу гўзалликлар кўзи очиқлар насибасидир.

Қушлар сайроғини, шох-шаббалар шитирини, ёмғир шивирини, жилғалар жилдирашини эшитинг, бу гўзалликлар — насибадур.

**■ Маҳкам МАҲМУД таржималари**

---

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партия Марказий Кенгаши масъул ходими В.А.Абдусаматовга онаси

**ИБОДАТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими Юсуф Бердиевга укаси

**Асад АБЛАҚУЛОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

---

**BOSH MUHARRIR**

**Azim SUYUN**

**TAHRIR HAY'ATI**

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**

| | |
|---|---|
| Siyosat va huquq — | 133-44-55 |
| Iqtisodiyot — | 133-76-04 |
| Ma'naviyat — | 133-07-20 |
| Xatlar va ommaviy ishlar — | 133-12-56, |
| Axborot — | 136-55-16 |
| Kotibiyat — | 133-72-83 |
| Reklama va e'lonlar — | 133-38-55, 133-47-80 |
| Faks — | 133-73-43, 133-06-83 |

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

| | |
|---|---|
| Andijonda — | 25-16-16 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-03-80 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 3-39-20 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-12 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Toshkentda — | 136-53-16 |
| Urganchda — | 226-51-35 |
| Farg'onada — | 26-43-62 |
| Qarshida — | 4-61-35 |
| Termizda — | 3-79-98 |

**MANZILIMIZ:**

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Abdumalik BOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.00*

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA